

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 45

Пайарик шахри.

« 24 » август 2022 йил

“BURGUT LYX ” MCHJ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ш Маматов номидан, бир томондан Пайарик туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Ш Хандамов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор	Нархи	Суммаси
1	Темир турбо Д-40 мм	Метр	800	39 500	31 600 000
2	Темир турбо Д-15 мм	Метр	600	14 900	89 400 000
3	Темир турбо Д-32 мм	Метр	2850	24 850	70 822 500
4	Арматура Д 14 -мм	Метр	1200	9900	11 880 000
5	Правод (Гули 2х2 кв)	Метр	1140	19 800	22 572 000
	<b>Жами</b>				<b>226 274 500</b>

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 226 274 500 (Икки юз йигирма олти миллион икки юз етмиш турт минг беш юз) сўми ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ қилини керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинади зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдоридан жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширилганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдоридан жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ортиқ кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «24» августдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун

бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 8. ФОРС - МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмас томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар бўлади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.3 Мазкур 226 274 500 сумлик №45-сонли шартнома 2022-йил «24» август 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пайарик тумани газначилик бўлинмасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»:	“BURGUT LYX ” MCHJ
Адрес:	Самарқанд вилояти Пайарик туман Томойрот МФЙ Сорибош кучаси 121- уй
Тел:	
Х/Р:	20208000505558243001
Банк:	САМАРҚАНД Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ 00282
МФО:	309788634
ИНН:	
ИФУТ:	

«Сотиб олувчи»:	Пайарик тумани Ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил:	Пайарик шаҳри Ж Мангубуберди кучаси
Тел./факс	425-22-91
ш/ҳ:	401022860182247065200110001
ИФУТ:	90211
СТИР:	200760728
Газначилик бўлинмаси номи	Пайарик тумани бўйича Газначилиги бўлинмаси
Ғазна х/в	23402000300100001010
Банкнинг номи	Марказий банк тош.шах. ХККМ.
	00014
МФО:	



Рахбар:	Ш Маматов

Ҳазначилик бўлинмаси	201122919
СТИР	
Рахба	Ш Хандам



*Handwritten signature in blue ink.*

*Faint, illegible text from the reverse side of the document, possibly bleed-through from another page.*



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
PAYARIQ TUMAN ADLIYA BO‘LIMI YURIDIK XIZMAT  
KO‘RSATISH MARKAZI**

141300 Payariq shahri, Cho‘lpon ko‘chasi, payariqyuridikxizmat@inbox.ru

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ LM55403340**

**1. Loyihaning turi.** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi.**

Payariq obodonlashtirish bo‘limi va “BURGUT LYX” MCHJ o‘rtasida (№ 45-sonli oldi-sotdi shartnomasi) xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot.**

Payariq obodonlashtirish bo‘limi bo‘limi tomonidan 23 avgust kuni ishlab chiqilgan, 23 avgust kuni tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Payariq tumani adliya bo‘limi YUXKM  
v/b boshlig‘i**

**I.I.Abduraxmonov**



“ТАСЛИҚЛАЙМАН”  
“Пайарик туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи



Ш. Хандамов

Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси Темир турба ва қурилиш  
махсулотлари сотиб олиш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш  
бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Пайарик шаҳри

«22» август 2022 й.

Раислик қилувчи

Ш Холиков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

К Эргашев

Комиссия аъзоси, технадзор

Х Мардиев

Комиссия аъзоси, мухандис

Ш Маматов

Комиссия аъзоси, ҳисобчи

У Мамаюсупов

Комиссия аъзоси, бўлим бошлиғи

С Жаникулов

Котиб

**КУН ТАРТИБИ:**

Пайарик туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси Темир турба  
ва қурилиш махсулотлари сотиб олиш бўйича

---

(Х Мардиев, У Мамаюсупов, Ш Холиков, К Эргашев, С Жаникулов, Ш Маматов)

Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022-йил 08-августда  
Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон  
порталига Ободонлаштириш бошқармаси Темир турба ва қурилиш  
махсулотлари сотиб олиш бўйича

№133251-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича  
2022- йил 17- августдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш  
бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали  
шаклланган Ободонлаштириш бошқармаси Темир турба ва қурилиш  
махсулотлари сотиб олиш бўйича баённомага асосан эълон якунига кўра  
Комиссия аъзолари томонидан “BURGUT” LYX корхонаси қолиб деб  
топилганлигини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ободонлаштириш бошқармаси бош бухгалтери О.Курбоновга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022-йил 17-августдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “BURGUT” LYX корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хужалик мудирини С Жаникуловга махсулотни сифат даражаси назорат қилинсин.


### Комиссия раиси

Ш Холиков




### Комиссия аъзолари


К Эргашев



Х Мардиев



Ш Маматов



У Мамаюсупов

